

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июльдан чиқа бошлаган. • № 166 (6. 057) • 1986 йил 21 июль, душанба • Баҳоси 3 тийин.



Илҳомбахш меҳнатимиз — ўн иккинчи беш йилликка

ПАРТИЯ УМУМХАЛҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИДА, ҲАМИША БЎЛГАНИДЕК, ҚАҲРАМОН ИШЧИЛАР СИНФИ ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛИШИГА ИШОНАДИ. УНИНГ ЮКСАК ОНГЛИЛИГИ ВА УЮШҚОКЛИГИ, МЕҲНАТ ҒАЙРАТИ ВА СИЕСИЯАКТИВЛИГИ, СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИГА ЕТ ҲОДИСАЛАРГА НИСБАТАН МУРОСАБСИЗЛИГИ — ОЛГА ТОМОН ҚИЛАДИГАН ҲАРАКАТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ГАРОВИДИР.

[КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан].

Юксак унумдорлик учун



«Промсвязь» тажриба заводи коллективи партиянинг Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига зарбдор меҳнат билан жавоб бермоқдалар. Мурожаатнома бера коммунистларни мусобақанинг олдинги маррасида бўлишга ундамоқда. Мазкур Мурожаатнома билан яқиндан танишиб чиққан коллективимиз юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун социалистик мусобақани қизитиб юборди.

СУРАТДА: «Промсвязь» тажриба заводидаги А. Дубовиков бошчилигидаги илгир донтакчилар бригадаси.

Истеъмол буюмлари кўпаймоқда

«Узбитпластик» тажриба илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида халқ истеъмол молларининг турларини кўпайтириш устида муайян иш олиб борилаётган. Ҳозир бу ерда 20 номда янги туркумдаги истеъмол моллари чиқарилаётган. Патислар, бодалар, вешалкаси, ваннаҳона жиҳозлари, ранг-баранг бадний буюмлар, сунъий манзарали дарахтлар, турли турмераси шулар жумласидандир.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулот ҳажми бўйича олти ойлик планни муддатидан илгари — 10 июнда бакарди. Биринчи ярим йиллик планига кўшимча 1.3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бир миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан, 0.4 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари реализация қилинди.

1985 йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 23.4 процентга, реализация ҳажми 17.3 процентга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 16 процентга ўсди.

КПСС XXVII съезди қарорларини изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этаётган. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган бирлашма коллективи халқ истеъмол молларини кўпайтириш борасида мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Тошкентликлар социалистик мусобақани авж олдириб КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига амалий иш билан жавоб бермоқдалар

Бугун — Чилонзор районида

Амалий жавоб

Район саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларининг коллективлари Волжск автоном билосларининг буш вақтларда тўрт кун социал, маданий ва маънавий объектлар қурилишида ишлаб бериш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаб, амалий иш билан жавоб бермоқдалар.

«Экономика» илмий-тадқиқот институтининг ходимлари Халқлар дўстлиги кўчасида метросозлар учун бунёд этилаётган тўққиз қаватли ётоқхона қурилишида ёрдам бермоқдалар.

Ишлаб чиқариш комбинатлари бошқармаси ишчи-хизматчилари Белов номидаги кўчада 1251 ўринли мактабни ободонлаштириш ва кўчаларнинг яшиларида қатнашмоқдалар.

«ВНИИводгос» илмий-тадқиқот институтининг ходимлари ва «Узгипрозем» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчилари ўз дами олиш кунларида «Мин-молпром»нинг махсус конструкторлик бюроси ҳисоблаш маркази учун тикланаётган тўққиз қаватли бино қурилишида бинокорлар билан ёнма-ён туриб ишламоқдалар.

«Ўроқ ва Болға» иттифоқи

Сифат

Мададкорлар

Потоги

Шу кунларда районнинг 700 дан ортиқ меҳнатчиси оталидаги Калинин райони хўжаликларига жамоат чорвачилиги учун озуқа базасини яратишда яқиндан қўллашмоқда. Айни пайтда улар жамғарган ет-ҳашак 450 тоннадан ортиб кетди. Бунда «ВНИИводгос», Ил-

мий-техника информация институтлари, «Ташгортри-котажбюро» республика китоб базаси, «Узбекбирлашув» ходимлари белгиланган тошхирларини 1.5—2 ҳиссадан адо этиб, ҳашарчиларга ибрат кўрсатишмоқда.

2-пояфзал фабрикасида тажриба тарқасида жорий этилган сифат потоклари эндиликда муҳим аҳамият касб этмоқда. Илгари пояфзалчилар маҳсулотидан ҳарidorларнинг кўнгли тўлганлиги сир эласди. Шунинг учун ҳам фабрикада сифат потогини жорий этишга киришилди. Бу ишни 5-ҳафтаги И. Яўдошев ва 2-ҳафтаги З. Алимов бошлик бригадалар амалга оширишди. Бу тезда ўзининг ижобий самарасини кўрсатди. Дастлабки муваффақиятлар ҳам чакли бўлмади.


Пояфзалчиларнинг шу услубда тайрлаган маҳсулотлари — аёллар пояфзаллари туркуми яқинда Марказий универсал магазинда ҳарidorларга тақдим этилди. Янги маҳсулотларнинг сифати ҳарidorларга маъқул бўлди. Ҳадемай бу туркумдаги пояфзаллар оммавий равишда ишлаб чиқарила бошланади.



Комсомол аъзоси Маъмура Жўрабекова уч йилдан бунён электр жиҳозлари заводида меҳнат қилиб келади. Ўтган шу қисқа фурсат мобайнида у ўзининг касбига меҳр-муҳаббат ва ғайрат-шиқоват билан устозлари ҳамда касбдошларининг ҳурматига сазовор бўлди. Коммунистик меҳнат зарбдор, комсомол-ишлар бригадасининг аъзоси Маъмура кундалик топиригини 4.5—2 ҳисса ортиб билан адо этиб, ҳамкасбларига етакчилик қилмоқда.

СУРАТДА: М. Жўрабекова. Э. Зоҳидов фотоси.

Замондонимиз



Уша кун цехда одам гавжум эди. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси қизғин муҳо-ма қилинаётган эди.

Иш вақтидан қандай қилиб унумли фойдаланиш, прогнлар, бекор туришлар, беҳуда танефуслар оқибатида қанчадан-қанча иш вақтининг йўқолишларига барҳам бериш, штурмчилик ва ҳайбаракатчиликни қатъиян тугатиш, ҳуллас жадаллаштириш программасини амалга ошириш учун ишга янгича ёнда-шиш ҳақида қизғин гап борди.

Бунда мусобақа муҳим роль ўйнаш алоҳида таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам илгир тажриб-ларини ўз вақтида умумлаштириш ва бошқалар ўртасида кенг ёйиш, ўртоқларча бир-бирига ҳамакорлик, ўзаро ёрдам, эришилган натижа-ларни таққослаш, янги ташаббусларга кенг

йўл очиб бериш ютуқлар гаровидир. Муро-жаатнома корхона ва цехнинг ҳар бир иш-чи-хизматчисига янгила илҳом ва ижодкорлик руҳи бахш этди. Ҳар бир киши эконоиманинг ўсиши ҳам, турмуш даражасининг ошиши ҳам ҳар бир коллективнинг, ҳар бир меҳнат-чининг унумини ишга қўшадиган ҳиссасига боғлиқ эканлигини тўғри тушуниб олди. Биз бугун суратини эълон қилаётган замондош-кимиз бу борада бошқаларга ўрнак бўлишга, ҳар бир иш дақиқасидан самарали фойдала-нишга, бугун кечатидан, эртага эса бугунги-дан ахшироқ ишлашга интиломоқда. Бундай зарбдорларни коллективнинг каттаю-кичи аъзоси ҳаммаша эъзозлайди, ундан намуна олади.

СУРАТДА «Ташавтоматика» заводи зарбдор-и Рафаэль Мамлиев.

Район партия комитетининг пленуми

Ўзбекистон Компартияси Қўббисев район комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Район партия комитетининг биринчи секретари Н. И. Емельянов КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми якунлари ва унинг қарорларини ба-жариш бўйича район партия

ташкilotининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Пленум қатнашчилари шунингдек, КПСС XXVII съезди қарорларини бажа-риш юзасидан 1986—1990 йилларга район партия ко-митетининг партиявий-сиё-сий тадбирлари перспектив-панини ва район партия

комитетининг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳ-камлаш бўйича ишнинг кў-риб чиқди.

Пленум ишида шаҳар партия комитетининг секре-тари С. М. Юсупов сўзга чиқди.

Об-ҳаво ва саломатлик

Тошкент

Шу ҳафта об-ҳавоси

студентлари

Н. А. Семашин номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, медицина фанлари доктори, профессор Н. Маждовининг тахрири остида.

Хабаровскда

Шу ҳафтанинг бошида ҳарорат қисқа муддатли па-саиди. Кечаси 17—22, кун-дузи 32—37 даража иссиқ бўлиши кутулади. Ҳафтанинг ўртасига бориб ҳарорат яна кўтарилади ва кунлар жазир-рамали бўлади. Ҳафта да-вомида ўртача ҳарорат кўп йиллик миқдоридан ортиқ бўлади.

Мутахассисларнинг фикри-га кўра шу ҳафтанинг иккин-чи ярмида ҳароратнинг бун-дай даражада ортиши нати-жасида атмосфера босими

ва ҳавода кислород камая-ди. Об-ҳавонинг бундай ўз-гариши бемор кишиларни безовта қилиши мумкин. Натижада юрак ва миля, на-фас системалари хасталиги-га чалинган беморлар ўзла-рини ноҳус сезади. Ҳафтанинг бу пайтида бе-морлар даволочи врачнинг кўрсатмаларига риоя қилиш-лари, метейран ортиқ жис-моний ва ақлий меҳнати чеклашлари, уйку, меҳнат, дам олиш, овқатланиш тар-тибига риоя қилишлари ло-зим.

Сўнгги соатда

Кеча мамлакатимиз пой-тахтида дунёда биринчи мар-та ўтказилган Яхши ният ўйинлари тантанали равишда ёпилиди.

Яхши ният ўйинларининг сўнгги кун академик эшак эшиш устаслари ўзаро кураш-моқда. 11 пойгадан 9 тасида совет спортчилари марра-чизининг биринчи бўлиб ке-сиб ўтдилар.

Вазин 110 килограммдан юқори тоифадаги полвонлар ўртасида мамлакатимиз терма командаси аъзоси Л. Теранен-ко ғолиб чиқди.

Даводчилар курашида спортчимиз Э. Бектошев ва япониялик полвон М. Мукой, ўз вази таифаларида зафар кўчдилар.

Шанба кун чарм қўлқоп устаслари ўртасида ўтган фи-нал учрашувларининг ўн бир вази тоифасида совет боксчи-лари фахрли шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтари-лишди. Спорт гимнастикаси бўйича аёллар ўртасида ай-рим машқлар бажаришда ҳам спортчиларимиз рақиблари-дан устун келдилар. Кўпқу-рашининг уч турида Е. Шуш-нова, бир турида эса В. Колес-ников ғолиб чиқди. Эркалар ўртасида волейболчилар туркирида терма командамиз финалда АҚШ терма коман-дасини мағлуб этди.

М. ҒАФУРОВА, ТошДУ студенти.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, ўн туққизинчи чапирқи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг еттинчи сессияси 1986 йил 26 июль кун соат 16.00 да очилади.

Партия группасининг мажлиси соат 14.30 да бў-лади.

Сессия муҳокамасига қу-йдаги масалалар киритила-ди.

— шаҳар хўжалигини 1986—1990 йилларда иқти-содий ва социал ривожлан-тириш планни тузрилида план-бюджет комиссияси-нинг кўшимча доклады.

— шаҳар халқ контроли комитетининг иши тўғрисида ҳисобот.

Депутатлар Тошкент об-ласт партия комитетининг мажлис зал (Ўзбекистон проспекти, 9-ўй)да соат 15.00 дан рўйхатга олина-ди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия коми-тети.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

Барчага манзур

Шаҳримизда меҳнаткашлар-нинг шанба, якшанба кунлари буш вақтларини кўнглили ўт-казишларига катта аҳамият берилмоқда. Карл Маркс кў-часидаги ташкил этилаётган сейллар ҳамшаҳарларимизга жуда манзур бўляпти. Ўтган шанба кун Фрунзе райони меҳнаткашлари эрталабдан Тўқимачилар маданият саройи олдидаги майдонга келишди. Бу ерда ўзига хос сайл ва савдо уюштирилди.

Жиззах области, Калинин районидеги колхоз ва совхоз далаларида етиштирилган дала нематла-ри сайр қилиб, ҳордиқ чиқа-рувчиларга пешма-пеш етқа-зилиб турилди. Район озиқ-овқат савдоси бўлимининг дид билан безатилган савдо

пештахталарида ҳар хил ши-ринликлар, озиқ-овқатлар ўрин олган. Сал нарироқда эса ра-йон Марказий универмаги-нинг сотувчилари ҳаридорлар-га ҳар хил маҳсулотларни сотишмоқда. Ундан нарида кўриб турибсизки, бу ерда ташкил этилган ўзига хос сайл ва савдо бугунги кун талаби-га ўйла жавоб беради.

Тўқимачилар маданият

саройига кираверишда Ўзе-бекистон ССР халқ артисти Мар-гарита Оқилова раҳбарлигида-ги рақсозлар ансамбли ўз рақслари билан сайл катнаш-чиларини мафтун этди. Район маданият уйи санъаткорлари ижро этган қўшқлар сайлга фойз киритди.

Ҳа, бундай ўзига хос сайл-лар кўпчиликка манзур бўл-моқда. Уни шаҳримизнинг бошқа районларида ҳам давом эттириш керак.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,

СУРАТЛАРДА: районда таш-кил этилган сайлгоҳда.



